


Жуманазар МАДИЕВ, Исмоил ҲАКИМОВ

# ТАБОБАТ ВА МАЪНАВИЯТ НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА



**Жуманазар МАДИЕВ, Исмоил ҲАКИМОВ**

**ТАБОБАТ ВА МАЪНАВИЯТ  
НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА  
(Илмий-оммабон рисола)**

**Тошкент - 2018 йил  
“Тафаккур” нашриёти**

УДК:372.111.1(024)

КБК 24.269.1Узб

М-71


Ушбу рисолада мутафаккир шоир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий даврида таботат ва маърифатга муносабат ҳамда улуғ бобокалонимизнинг бу соҳаларни ривожлаштиришга қўшган ҳиссаси тўғрисида сўз юритилади. Муаллифлар Навоий яшаган даврга хос адабий-бадвий, илмий-маърифий муҳит манзараларини қатор тарихий мисоллар, аниқ факт ва рақамлар воситасида ишонарли ҳамда қизиқарли лавҳалар ишро этиш орқали самимий тасвирлашга муваффақ бўлишган. Айни пайтда Алишер Навоий ҳазратларининг тиббиёт, илм-фан ривожини, бола тарбиясига, одоб-ахлоққа оид қарашлари акс этган ижод намуналаридан ўринли иқтибослар келтирилган.

Ушбу рисола юртимизда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамоат фонди ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланади.

Такризчи:

Бўрихол Хўжамкулова, “Соғлом авлод учун”  
халқаро хайрия жамоат фонди вилоят филиали раҳбари

ISBN 978-9943-24-160-2



© Ж.Мадиев, И.Ҳакимов  
© “Тафаккур” нашриёти, 2018

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, шеърят буюстонининг султони Мир Алишер Навоий (1441-1501) ҳазратлари она тилимизнинг нафосатини, гоят гўзаллиги-ю бетакрорлигини оламаро тараннум этган буюк ижодкор. Шу маънода олиб қараганда, бу улуғ бобокалонимиз шеърят осмонида ҳамон қуёш мисол порлаб турибди. Навоийнинг миллий адабиётимиз ва она тилимиз олдидаги энг буюк хизмати шундаки, у эски ўзбек тилида ўлмас асарлар битиш орқали туркий тилнинг нечоғлиқ кенг имкониятларга эга эканлигини дунёга танитди. Айни пайтда бу улуғ мутафаккир маърифат ва маънавиятни юксалтиришга, адабиёт, санъат, маданият, илм-фан билан бир қаторда табобат соҳасини ривожлантиришга, инсонлар саломатлигини муҳофаза этишга ҳам улкан ҳисса қўшди. Бу борада, Навоий ҳазратларининг маънавият ва маърифатни, табобатни тараққий эттиришга қўшган ҳиссаси борасида сўз юритишдан аввал Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳақида мухтасар бўлса-да, маълумот бериб ўтишни жоиз деб топдик.

Тарихий ва илмий манбалардан ўзингизга ҳам яхши маълумки, Алишер Навоий нафақат бадиий ижоднинг турли жанрлардаги асарлари, балки “Хамса”дек улкан дoston ярата олганлиги туфайли ҳам ўзбек миллий мумтоз адабиётида ўзига хос юлдузли из қолдирган ўлмас даҳо, мутафаккир ширдир. Ўзбек миллий адабиёти ривожда ўта муҳим аҳамият касб этган “Хамса”, яъни бешта мустақил йирик дostonни ўз ичига олган ушбу асарини Алишер Навоий 1483-1485 йилларда яратган. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Навоийнинг гавҳарларга менгзагулик ижод олами, бу мутафаккир инсоннинг сизу бизга қолдирган маънавият ва тафаккур хазинаси аслида, тенгсиз қомусий аҳамиятга эга меросдир. Бу мерос нечоғлиқ аҳамиятга моликлиги Ҳазрат Навоийнинг пойтахтимиз Тошкентда бунёд этилган Миллий боғдаги муаззам ҳайкали тепасидаги нақдлинкор гумбаз пештоқиға битилган “Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш” деган байт аён этиб турибди. Муҳими, бу байт Навоий даҳосидан, унинг халқпарвару инсонпарвар ижодкор бўлганлигидан далолатдир. Қолаверса, ҳазрат Навоий ижодида маънавият, маърифат, илму фан, дину шариат ва бошқа инсон камолотини белгилайдиган мезонларга оид тафаккур дурдоналари

қай даражада яраклаб тургани ана шу байт орқали намоён бўлиб, кўнгилларни чароғон этиб турибди.

Улуғ Навоийнинг бугунги авлодларга қолдирган бемисл адабий, маданий-маърифий, маънавий мероси ҳамда шоир шахсига таъриф ҳамда муносиб баҳо берар экан, жонажон Ўзбекистонимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарига: “Агар Алишер Навоийни авлиё десак -- у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак -- шоирларнинг султонидир”, деб ёзганларки, бу ҳам халқимизнинг, миллатимизнинг улуғ Навоий даҳосига бўлган ҳурмат-эҳтиромининг яна бир рамзидир. Ҳақиқатан ҳам, Навоий ҳазратлари ўз ижоди, саховатпеша ишлари, одамларга, демак, халққа кўргузган чексиз ҳурмат ва эҳтироми билан бутун бир миллатнинг фаҳрига айландилар. Чунки Навоий нафақат моҳир ва маҳоратли қалам соҳиби, балки етук давлат арбоби, фидойи илму фан ҳомийси сифатида кўп ва хайрли ишларни амалга оширган. Чунки:

Нафинг агар халққа бешакдурур,  
Билки, бу нафъ ўзингга кўпракдурур.

деган ҳикматга амал қилган Алишер Навоий қаерда бўлмасин, қай вазифа ёки лавозимда ишlamасин, қай шароитда яшаб ижод қилмасин, биринчи галда халқ ғамини еди. Умри давомида эл дардига малҳам бўлувчи хайрли ишларни бажаришга интилди. Мутафаккир шоирнинг илм, адабиёт ва санъат аҳлига қилган саховатлари сирасида табобат, хусусан, тиббиёт соҳаси ривожига кенг йўл очган, эл саломатлигини муҳофаза этишда ғоят фойдали ва самарали бўлган кўплаб хайрли ишларни амалга оширганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ҳазрат Алишер Навоий нафақат инсонни бадийят асосида руҳан, балки табобат воситасида жисмонан юксалтириш борасида чин дилдан қайғурган эди. Навоий инсонпарвар сифатида бу борада, яъни табобат соҳаси бўйича маърифат тарқатиш баробарида, амалий ишларни ҳам бирдек қатъият билан олиб борган шахсдир. Бунга Навоийнинг табобат билан боғлиқ дурдона фикрлари, ҳатто, ғарибу мискинларга шифо улашувчи маскан бунёд этишда бош-қош бўлганлиги, тиббий илмни ўқитиш, халқнинг тиббий маданият ва билимини оширишга катта аҳамият берганлиги, одамлар дардига малҳам изланувчи табибларни

Ўқитиш ҳамда тарбиялашга муносиб ҳисса қўшганлиги ёрқин мисол бўла олади.

Алишер Навоийнинг бадий-ижодий меросини бир уммон сифатида эътироф этган ҳолда, ана шу мероснинг ажралмас ва узвий қисми бўлмиш тиббиётга дахлдорлик фаолиятига ҳам бир қур назар ташламоққа имкониятларимиз даражасида жазм этдик. Биз ана шу тушунчадан келиб чиқиб, ҳазрат Навоий шеърлятида акс этган малҳамли сатрларга, жонбахш сўзларга, Навоий бобомиз иншо этиб қолдирган ҳикматларга, айна пайтда у маънавият ва маърифатни юксалтириши борасида қилиб улгурган хайрли ишларга ҳам асосий эътиборни қаратдик. Табиийки, бу борада мутафаккир шоиримизнинг иждодий намуналари каби бу зот тўғрисида замондошлари – султон Ҳусайн Бойқаро, Хондамир, Абдураҳмон Жомий, Бобур каби улуг сиймоларнинг, муаррихларнинг, иждодкорларнинг шаҳодатликларига, улар ёзиб қолдирган келтириб ўтган маълумотларга, ўз даври учун ҳар бири ўта ёрқин сиймо саналган ва бугунги кунда ҳам шу мавқеини йўқотмаган шахсларнинг ўз асарларида Навоий ва у яшаган даврдаги тиббиётнинг аҳволига, бу соҳага улуг шоиримиз қандай муносабатда бўлганлиги билан боғлиқ ҳикояларига, айна пайтда, бугунги кун иждодкорларининг Алишер Навоий эл саломатлигини таъминлашга қандай ҳисса қўшганлиги тўғрисидаги фикрларига таяниб иш тутдик. Ўйлаймизки, ушбу рисола ни мутолаа қилгач, Алишер Навоий нафақат шеърят мулкининг султони, балки табобатнинг (аслида, тиббиётнинг) ҳам чин ва салоҳиятли ҳомийси бўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

## **НАВОИЙ ДАВРИДА ТАБОБАТГА МУНОСАБАТ**

**Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.**

**Алишер Навоий**

Миллий маънавиятимиз сарчашмаларида шундай улуг сиймолар борки, улар таратган ёғду ҳамон қалбларни чароғон этиб, эзгуликка ундаб турибди. Чунки бундай сиймолар аллома сифатида ўз фаолиятини фақатгина бир соҳа билан боғлаган ҳолда олиб бормаганлар. Аксинча, бундай унутилмас зотлар ҳаёти ва

фаолиятини жамиятда тутган ўрни, эгаллаган мартабаю вазибалари, мавқелари тақозоси билан ўзлари яшаган давр ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида бирдек фаол бўлганлар. Ана шундай улуғ сиймолардан бири - буюк бобокалонимиз шоир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоийдир.

Ўз замонасининг илм-фан, адабиёту санъат, табобат, маънавият ва маърифат, бунёдкорлик ишлари ҳомийси ҳисобланган Алишер Навоий бевосита Соҳибқирон авлодидан бўлган Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳукмронлик қилган даврда яшаган ва фаолият олиб борган. Темурийлардан бўлган бу подшоҳ даврида Хуросон мулкида нисбатан тинчлик, адолат ўрнатилган. Ҳамиджон Ҳомидийнинг 2004 йил Тошкентдаги “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик нашриётида чоп этилган “Кўҳна шарқ дарғалари” китобида келтирилишича, Ҳиротда “иқтисодий ҳаёт, савдо-сотик ривожланган, юзлаб карвонсаройлар, работ, кўприк, мактаб, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, табобатхона, етимхоналар, сув ҳавзалари қурилган, каналлар қазилган, боғлар барпо этилган, султон, шаҳзодалар, амирлар, ҳатто, малика-бегимлар ўз номларидан масжид, мадраса қуришга киришиб кетишган. Бир сўз билан айтганда, Ҳирот чинакам маданий қурилиш майдонига айланган. Айрим биноларнинг қурилиши узок давом этган. Жумладан, зилзила пайтида шикастланган Ҳирот Жомеъси таъмирига 6-7 ой вақт кетган; 403 гумбаз, 133 равоқ ва 44 та устунга эга бўлган бу бино бевосита Алишер Навоий назорати остида қайта тикланган. Сарчашмаларда Ҳусайн Бойқаро ва Навоийлар саъй-ҳаракати билан қад ростлаган иншоотларнинг ўзи юзга яқин эканлиги қайд этилган”.

Дарҳақиқат, тарихий ва илмий манбаларга таяниб айтадиган бўлсак, Алишер Навоий вазир, Ҳусайн Бойқаро ҳукмдор бўлган даврда Ҳиротга гурли юртлардан келган юзлаб олимлар, санъаткорлар жам бўлишган. Чунки бу ерда маънавиятга ҳомийлик қилинар, Жомий ва Навоий каби шоирлар яшар эдилар. Натижада табобат, тарих, тил, адабиёт, ҳандаса, тасвирий санъат, китобат санъати, қоғоз ишлаб чиқариш, мусиқа, томоша санъати, масхарабозлик, кўзбойлагич, кўғирчоқбозлик, муқаллидлик, хуллас, илм-фан, маданият ҳамда маънавиятнинг барча жабҳалари гуллаб-яшнаган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг бу соҳадаги жонбозликларини Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби даҳолар қўллаб-қувватлаб туришган. Хусусан, Алишер Навоий унинг фаолиятини йўналтиришда ҳамиша саркорлик қилган. Бу

борада шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, шахсан Алишер Навоийнинг ўзи доврўғи неча-неча асрларга етган машҳур “Доруш-шифо” масканини бунёд эттирган. Шу тариқа Навоий даҳоси таратган маданий-маърифий зиё нурлари нафақат Хуросон, балки бошқа худудларда ҳам тарала бошлаган.

Шу ўринда яна бир бир муҳим жиҳатни эслатиб ўтмоқ зарур. Агар Алишер Навоий асарларини синчиклаброқ кузатсангиз ёки кунт билан ўргана бошласангиз, шоир ваганим дея алоҳида бир ўлкани кўрсатганига гувоҳ бўлмайсиз. Шундай бўлса-да, даҳо шоир болалик давридан то умрининг охирига қадар айрича меҳр-муҳаббат, улкан завқ билан тасвирлаган макон – Мовароуннаҳр ҳамда Хуросон эканлигини англаб етасиз. Тарихий манбаларда айтилишинча, гарчанд, вазият тақозоси билан мамлакат худудлари ўзгариб турган бўлса-да, Алишер Навоий бу юртларни ўз Ватани сифатида жаниятга киёслаган ҳолда кўп бора тилга олган. Яъни, вазият ва шароитларнинг қандай бўлишига қарамай, Алишер Навоий Хуросон ва Мовароуннаҳр васфини куйлаб ўтган.

Мовароуннаҳр - аслида арабча сўз бўлиб, “дарёнинг нариги томонидаги жой” маъносини англатади. Бу ерда Амударё ҳамда Марказий Осиё худудлари назарда тутилади. Хуросон – Афғонистон ва Эрон худудининг катта қисмини ўз ичига олган. Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, турли даврларда, айниқса, Шохрух Мирзо ҳукмронлиги пайтида бу худудлар унинг қаламравида бўлган. Лекин табиийки, давр ва замон тақозоси билан худудий чегаралар тез-тез ўзгариб турган. Масалан, Хуросон ва Мовароуннаҳрга босқинчи Чингизхоннинг ўгли Чигатой вақтинча ҳукмронлик қила бошлаган даврда бу худудлар “Чигатой эли” деб ҳам юритилган. Ёки тарихий манбаларнинг шохидлик беришича, жаҳонгирлик давосида юрган ва бу борада бир қадар муваффақиятга эришиб, дунёнинг кўп мамлакатларини забот этишга муваффақ бўлган, Шарқда асосан Искандар Зулқарнайн, Искандар Макидунли номи билан машҳур бўлган македониялик Александр Македонскийни Хуросон тўғрисидаги “фалакваш ерининг фазаси”, “жаннатасо ҳавоси” мафтун этганлигини бир эслаб кўринг. Бу саркарда Мовароуннаҳрни кўлга киритгач бу ерларни “жинон гулшани”, яъни “жаннат гулдори” деб атаганлиги ҳам тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг жаҳонга машҳур “Темур тузуклари” асарида баён қилинганидек, ўзи ва унинг катта сулоласи ҳукмронлик қилган даврларда ҳар бир шаҳарда “Доруш-шифо” бинолари қурилиб, у ерда малакали саломатлик посбонлари фаолият



юритиб турган. Агар бугунги замон тили ва тушунчасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоий ташкил этган бу маскан ўзига хос тиббий академия вазифасини ўтаган. Чунки у даврларда мадрасаларда илми толибларга араб тилини яхши эгаллагач, диний дарс билан бир қаторда дунёвий, яъни аниқ фанлар ҳам мукамал ўргатилган. Хусусан табобат, яъни тиб илми сабоқлари Абу Али ибн Сино қаламига мансуб “Тиб қонунлари” асари асосида олиб борилган. Шуниси ҳам муҳимки, дарс жараёнларида илми толибларга доривор гиёҳлар ва ўсимликлар ҳақида етарлича маълумотлар берилиб, уларнинг шифобахш хусусиятлари билан таништириб борилган. Яна бир диққатга сазовор томони шундаки, “Доруш-шифо”лар таркибида махсус кутубхоналар ҳам бўлиб, у ерда тиббиётга оид китоблар сақланган. Уларнинг кўпчилиги бошқа ўлкалардан келтирилган ва шу ернинг ўзида ҳаттотлар томонидан кўчирилиб, кўпайтирилган. Толиблар эса ана шу илмий манбалардан баҳраманд бўлишиб, табобат сиру асрорларини пухта ўрганиб борганлар.

Демак, мутахассис-олимларнинг фикрларига таянган ҳолда таъкидлайдиган бўлсак, “Доруш-шифо” таркибига кирадиган шифо ва ўқув масканлари ўз даврининг “тиббий академияси” мақомида бўлганлиги маълум бўлади. Чунки у ерда таҳсил олган илми толиблар вақти етгач, беморларни ҳам бемалол даволай олганлар, айни пайтда, жойлардаги мадрасаларда илм истовчиларга сабоқлар берганлар, шу билан бирга мадрасаларга мударрислик ҳам қилганлар.

Қарийб қирқ йил мобайнида салтанат юритган, то болалиқдан умрининг поёнига қадар ҳазрат Алишер Навоий дўст бўлган Хусайн Бойқаро замонида тиббиёт ва унинг равнақ топишида буюк шоир Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ҳам буюк хизматлари бўлганлигини тарихий битиклар ва муаррихлар асарлари орқали бутун дунё аҳли тан олган. Масалан, шоҳ ва шоир Бобур Мирзо Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган давр тўғрисида шундай ёзиб қолдирганлар: “... ажаб замон эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, ботахсис Ҳирот шаҳри мамлу (тўла) эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллиги бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолга тегурғай”.

Ушбу таъриф ва эътирофдан кўриниб турибдики, Хусайн Бойқаро даврида тарихчилару шоирларга, мусиқашуносу табобатчилар етишиб чиқишига эътибор кучли бўлган. Табиийки, ҳукмдорга яқин дўст ва мамлакатда вазир бўлган Алишер Навоий истеъдод

сохибларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар ижод қиллишлари, изланишлари ва тажрибалар олиб боришлари, ўқиб билим савиясини орттиришлари борасида раҳнамолик қилган. Чунки салтанатда юқорида айтиб ўтилган соҳаларни тараққий эттириш, асосан, ҳазрат Навоийнинг таклифлари, маслаҳатлари ҳамда моддий ва маънавий йўриқлари асосида амалга оширилган. Чунки Алишер Навоий, аввало, Хусайн Бойқаронинг яқин дўсти сифатида маънавий ва маърифатни юксалтириш, халқ дардига кулоқ тутиш, элда саломатликни таъминлаш борасида шохга ўринли ва жўяли маслаҳатлар бериб турган. Лозим ҳолларда нафақат олимлар, ижодкору санъаткорлар, табиблар, балки инсонпарвар шахс сифатида оддий фуқаролар манфаатларини ҳам фидойилик билан ҳимоя қилган.

Хўш, Алишер Навоий бундай кенг қўламли ишларни фақат шохга дўст ёки вазир бўлганлиги учун қилганми? Умуман, ҳар бири катта маблағ талаб этадиган мадраса қуриш, “Доруш-шифо” каби академияни очиш ва юргизиш, мискинларга мунтазам кўмаклашиб туриш учун Навоий маблағни қаердан ва нима ҳисобидан топган? Манбаларнинг гувоҳлик беришича, аввало, Алишер Навоий ўз замонаси талаблари даражасидаги катта мулкдорларнинг бири бўлган. Айрим ёзма манбаларга, қолаверса, Навоийнинг машҳур “Вақфийя” асарига таяниб айтадиган бўлсак, бу буюк мутафаккир бобокалонимиз ҳақиқатан ҳам йирик мулкдор бўлган. Эслатганимиз, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган “Вақфийя” асарида келтирилишича, Ҳирот шаҳри ва унинг атрофида Алишер Навоийга тегишли ер-сув, боғ-роғлар, узумзор, токзорлар, тим, тимчалар дўконлар бўлган. Бу ҳақда “Вақфийя” асарининг кириш қисми – “Муқаддимот”да вақф қилиб ажратилган мулклар рўйхати, “Маҳдудот”да эса бошқа мулклар ҳисоби аниқ келтирилиб ўтилган.

Агар ана шу ёзма маълумотларга асосланиб, Алишер Навоий мол-мулкнинг чегарасини аниқлаб, ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, унга тегишли мол-мулк ҳамда ер-сув ҳажми 494,4 жериб (яъни 45,5 гектар) эканлигини, шундан 223,5 жериб (яъни 20,6 гектар) ҳайдаб экиладиган ер майдонларидан, 192,2 жериб (яъни 17,7 гектар) дарахтзорлар ва боғлардан, 78,7 жериб (яъни, 7,2 гектар) узумзор ва токзорлардан, шунингдек 22 дўкон, 4 тим ва тимча ҳамда иккита кориздан иборат бўлганлигини кўраемиз.

Алишер Навоий ўзига қарашли мол-мулкдан унумли фойдаланган. Улардан тушадиган даромадни тўлиғича ижтимоий таъминот учун

ажратган. Вақф этилган мулкдорчиликдан олинаётган даромад мақсадга мувофиқ тарзда тақсимланган. Энг ибратлиси, олинаётган даромаддан Алишер Навоий ўзига бир кишини иссиқ-совуқдан сақлайдиган кийим-кечак ва бир кишининг тирикчилиги учун кифоя қиладиган озиқ-овқат қисминигина олиб қолган. Даромаднинг асосий қисмини қўшин харажатлари, давлат эҳтиёжини қоплаш учун берган. Айниқса, у илм-фан ва маданият, маърифат ривожига даромаддан катта улушлар ажратган.

“Вақфийя”да Алишер Навоийнинг шахсий мол-мулкдан тушган даромадини халқ фаровонлиги ва ободончилиги йўлида сарф этилгани баён этилган. Асарнинг “Арбоби вазоиф” (“Вазифа аҳли”) бўлимида кимларга, қандай сарф этилиши, “Равотиб” бўлимида эса амалга ошириладиган хайрли, савобли ишлар, “Шароит” бўлимида ушбу вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш йўллари тўғрисида маълумотлар берилган. Мана шу мухтасар мисолдан ҳам кўриниб турибдики, Алишер Навоий ташкил этган ва маблағ билан таъминлаб турган, асосан авом халқни даволаш, камбағал оилалардан чиққан илми толибларни ўқитиш ва боқишда катта аҳамият касб этган “Доруш-шифо” академияси ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган ва у бевосита Навоий ҳомийлигида фаолият олиб борган.

Ўрни келганда таъкидлаб ўтмоқ керакки, гап ҳазрат Навоий даврида табобатга муносабат ва унинг аҳволи ҳақида кетаётган экан, ҳазратнинг ўзлари ҳам амалдаги тартиб-қоидаларга, яъни мадрасалардаги ўқитиш жараёнларида кўзда тутилган барча қонун-қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда, табобат илмини ҳам пухта ўзлаштириб олганлигини таъкидламоқ керак. Бир сўз билан айтганда, Навоий ўз даври табобатининг бор сиру-синоатларидан, тўпланган тажрибаларидан пухта хабардор бўлган. Шу сабаб, ўз асарларида табобатга, маънавият ва маданиятнинг ўсишига хизмат қилувчи соҳаларга айрича бир эътибор билан қараган ҳукмдорларни, дониш инсонларни шарафлашга, улар тўғрисида маълумотлар ишро этиб қолдиришга интиланган.

Хусусан, буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур тўғрисида Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида “мулк шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳоқони Темур Кўрагон, агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдулар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеда ўқубдуларким, анинг бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонча бор”. Бу фикрларни изҳор этиш орқали Навоий бу ҳукмдор

саркардалик салоҳияти билангина эмас, балки ўз даврининг маданияти, ўқимишли инсонлар, хунармандларга ҳам бирдек ҳомийлик қилганлиги билан ҳам етук шахс бўлганлигини таъкидлагачлар. Шу боис ҳам Амир Темур васиятларига қатъий амал қилган унинг кейинги авлодларига йирик сулола сифатида 150 йилдан кўпроқ давр мобайнида салтанатни бошқариш насиб этган. Бу мисолни шу мақсадда келтираймизки, Алишер Навоий ҳазратлари ким ва нима, айниқса адабиёт ҳамда санъат, хусусан, тиббиёт ҳақида ёзаётганлигини яхши билганлар. Яъни, мавзуни тўғри англаб, бирор бир соҳа тўғрисида мукаммал илм ва билимга эга инсон сифатида қалам тебратганлар.

Ушбу фикримизни Алишер Навоийнинг табобат, умуман, тиббиётга оид фикрларлари ғоят теранлиги, чуқур маъно ва мазмунга эга бўлганлиги ҳам тасдиқлайди. Масалан, мутафаккир шоир бобомиз табобат ҳақида шунчаки ижодкор сифатида фикр билдирмаганлар. Аксинча, соҳани чуқур биладиган киши бўлганлигини англатувчи сифатлар билан иншо этганлар. Тиббиёт ҳақида ёзаркан, Навоий шундай дейди:

Ва лекин тиббу- ҳикмат ҳам эрур хўб.  
Ки сихҳатдур киши жисмига матлуб.

Кўриб турганингиздек, Алишер Навоий ҳазратлари тиббиёт тўғрисида шунчаки фикр билдирмапти, бу соҳага муносабатини оддий қарашлар сифатида ифода этмаяпти. Балки табобат энг яхши ва зарур соҳалардан бири эканлигини таъкидлаб, бу фан, бу борадаги илм, малака ва тажриба киши жисми саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадларини кўзлашини самимият билан одамлар эътиборига етказаяпти. Шу маънода олиб қараганда, Навоий ҳазратлари табобатнинг, тиббий маданиятнинг фаол тарғиботчиси сифатида баралла бўй кўрсатиб турибдилар. Навоийнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамда ижодий фаолиятини ўрганиш жараёнида биз бунга қайта-қайта амин бўлдик. Яна шу нарса ҳам аниқ бўлдики, Навоий ҳазратлари табобат соҳасининг мукаммал билимдони даражасига етган ва аҳоли саломатлигининг ҳақиқий жонкуярлари саналмиш табибларнинг посбони бўлган эканлар. Навоий бобомиз ўз даврининг нафақат шифохонаси, балки маълум маънода академияси вазифасини ҳам ўтаган “Доруш-шифо” очилишини ҳамда тўлақонли фаолият юритишини қўллаб-қувватловчи камарбаста бўлганлигини юқорида таъкидлаб ўтган

эдик. Бу ҳақда Алишер Навоийга замондош бўлган табиблар, тарихчилар ва ижодкорлар ўз асарларида мамнуният билан сўз юритганлар.

Хусусан, Навоий ҳиммати билан ташкил этилган “Доруш-шифо”да ишлаган табиб Мавлоно Қутбиддин Одам (вафоти – 1498 йил) тўғрисида Хондамир (вафоти – 1489 йил) нинг “Хулосат ул-ахбор” асарида сўз юритилган. Ана шу асарда Навоий шахси билан боғлиқ куйидаги жумлаларни ўқиш мумкин: “Олиймақом амир (Алишер)нинг эътиқоди ва чиройли ҳиммати туфайли, у (яъни, Қутбиддин) ўз қадамини улуглик ва шуҳрат чўққисига қўйди ва бир неча муддат онҳазрат (Алишер)нинг “Доруш-шифо”сида дарс бериб турди”.

Ҳақиқатан ҳам бошқа тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўз даврининг Букроти дея тан олинган Мавлоно Қутбиддин Одам Навоий ҳазратлари раҳнамолигида ташкил этилган “Доруш-шифо”да ишлаган ва ўз шахси атрофида тинимсиз тарқалиб турган иғво-туҳматлар таъсирида шифохонадан кетишга мажбур бўлган. Юқорида билдирган фикрларимизга қўшимча тарзда Навоий ҳазратлари саъий-ҳаракатлари ҳамда ҳомийлигида ташкил этилган ушбу “Доруш-шифо” (“Даволаш уйи”, шифохона) тўғрисида яна баъзи бир мулоҳазаларни билдиришдан аввал бундай ўзига хос “Шифо уйлари” тўғрисида кенгрок тўхталиб ўтсак, ўринли бўлар.

Эслатмоқ лозимки, Темурбек асос солган салтанатда доруш-шифолар фаолият юритганлиги кўплаб тарихий ва илмий манбалардан яхши маълум. Ҳиротда ташкил этилган “Доруш-шифо”да Алишер Навоийнинг эътибори тушган, салтанатда машҳур бўлган табиблар жамланган эди. Шу туфайли Ҳиротдаги бу “Шифо уйи” ўз даврининг йирик маданий маркази саналган Самарқанд билан яқин алоқалар ўрнатишга, даволашнинг янги тажрибалари мунтазам қўлланиб турилишига эришган ва донғи дунёга тарала бошлаганди. Хондамирнинг “Хулосат ул-аброр” асарида келтирилишича, “Ҳиротдаги “Шифо уйи” меъмор Маҳди Улё Милкат оға томонидан қурилган бинода очилди. Ҳозирги вақтда Султон Ҳусайн Бойқаронинг яқинлари ва олижаноб, дарёдил Навоийнинг диққат-эътиборлари билан ободончиликка юз тутди”.

Бошқа ишончли манбаларда ҳам Навоий ташаббуси билан ташкил этилган ушбу “Шифо уйи” ҳақида маълумотлар бор. Масалан, “Масжиди жомеънинг жанубида “Доруш-шифо” бўлиб, у бағоят латофатли қурилган. Бу жаннат нишон бинолар орасида кавсар мисол бир ҳовуз қурилган бўлиб, Хизр қадамли ҳақимлар ва

Исо нафаслик табиблар доимо беморларни даволаш ва ғарибларнинг касалини шифолаш билан машғулдирлар. Даволар ва овқатлардан нима керак бўлса, бу кутлуғ маконда шай ва ҳозирдир”, деган таърифлар учрайди. Шунингдек, Навоий тарбияси ила камолга етиб, машҳур тарихнавис сифатида танилган Хондамир асарларида ҳам “Шифо уйи” билан боғлиқ кўплаб таъриф ва тавсифларга, қимматли маълумотларга дуч келиш мумкин. Жумладан, ҳақиқатан ҳам бу даргоҳда Навоий ҳазратларининг муборак назарларига тушган ҳақимлар, табиблар фаолият олиб боргани таъкидланади. Энг эътиборлиси, бу шифохонада ғарибларга, яъни жуда олисдан келган мусофирлар ва беморларга текин дори-дармонлар, озик-овқатлар улашилгани, улар бепул ҳамда самарали даволанганликлари ҳақида сўз юритилади.

Навоий фаолият кўрсатган даврда кўпгина масжид ва мадрасаларда четдан келиб таълим олаётган ғарибу ғураболарга текин овқатланиш шароитлари яратиб қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам Хондамир асарларида ўқиш мумкин. Яна бошқа манбаларда эса Самарқандда вабо ҳамда ўлат тарқалгани ва бунда Ҳиротдан олинган мордори, яъни илондан тайёрланган малҳам, яхши самара берганлиги, Самарқанддан беморлар шифо истаб Ҳиротга келганлиги, худди шунингдек Ҳиротдан Самарқандга табиблар жўнатилгани ҳақида маълумотлар бор.

Шу ўринда таъкидламоқ жоизки, “Доруш-шифо”ларга, яъни замонавий тил билан айтганда, шифохонага бошлиқ ва табиблар тайинлаш ҳам махсус ишлаб чиқилган усуллар орқали амалга оширилган. Х. Ҳикматуллаевнинг “Абу Бакр Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган касалликлар тарихи” асарида Алоуддавла ўз номига атаб касалхона қурдириб, унда ишлайдиган олиму табибларни бир жойга тўплаш учун Бағдоддан 100 дан ошиқ табибларни чақириб, танлов эълон қилган. Танловни эса босқичма-босқич ўтказиб, 100 табибдан фақат биттасини, яъни Розийни афзал топиб, ўзи қурдирган шифохонага раҳбар этиб тайинлагани айтиб ўтилган.

Навоий давридаги шифохоналар (“Доруш-шифо”лар) раҳбарлари ҳамда табибларига маош тайинлаш Навоий, Султон Ҳусайн ва шу сингари мансабдор шахслар, эътиборли шахслар маслаҳати билан амалга оширилган ва уларнинг назоратида бўлган. Ҳиротдаги “Доруш-шифо”да мавлоно Абдулҳай Туний, мавлоно Муҳаммад, мавлоно Низомиддин Абдулҳай, мавлоно Дарвеш Али, мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад каби ўз замонасининг таниқли табиблари

ишлаган. Махди Улё Милкат “Доруш-шифо” меъмори бўлганлиги учун ҳам шуҳрати Мовароуннаҳр бўйлаб ёйилган. Бу шифо масканига мударрислик қилувчилар ўзгариб турган. Масалан, турли йилларда “Доруш-шифо”га Дарвеш Али, ундан кейин Ғиёсиддин Муҳаммад каби элда таниқли инсонлар мударрислик қилишган. Бу раҳбар-мударрисларга тегишли тартибда маош тайинланганлиги ҳақида тарихий аҳамиятга молик асарларда етарлича маълумотлар келтирилган. Ўрни келганда эслатиб ўтмоқ жоизки, 1501 йилларда ҳам бу машҳур “Доруш-шифо” ишлаб турганлиги ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар сақланиб қолган.

Албатта, Алишер Навоийнинг табобатга ҳомийлиги, ўзи ҳам бу соҳанинг яхшигина билимдони бўлганлиги, аҳолининг кенг қатлами учун шифохона ташкил этиб, табиблар тайёрлаганлиги билангина чекланмайди. У ўз замондошлари орасида биринчилардан бўлиб тиббий маданият тарғиботини бошлаган ижодкор сифатида ҳам кадрлидир. Чунки Навоий билан замондош бўлган, ундан аввал ёки кейин ижод қилган бирор бир шоирнинг ижодида Навоийчалик табобатга, тиббий маданиятни ўстиришга, соғлиқнинг мустаҳкам бўлиши ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ эканлиги мавзуси кенг ёритилиб, тарғиб қилинмаган. Бошқача қилиб айтганда, унинг деярли барча асарларида у ёки бу маънода инсон вужуди ва руҳияти соғлом бўлиши лозимлиги маълум маънода акс эттирилган. Шу маънода, улуг мутафаккир шоир бобокалонимиз Алишер Навоийни ҳақиқий инсонпарвар ва табобат ҳомийси деса, арзийди.

## “СУВЛИҒИДИН ЎТЛИҒИ АФСУН ЭРУР...”

...Ровийларнинг бизгача етиб келган ривоятларига қараганда, бир пайтлар қадимги Мисрда асирга олинган тутқунларнинг ҳаммаси битта жойда сақланар, бир жойда овқатлантирилиб, битта жойда кулларча ишлатилар экан. Ётоқ жойлари ўта хароб, емишлари суюқ экан. Лекин шундай бўлса-да, асирлар жуда қувноқ яшар, бир-бирлари билан ҳазил-ҳузул қилишни қанда қилишмас экан. Қулларнинг бирида Миср ҳукмдори бундай ҳолатнинг сабабини билишга қизиқиб қолибди. Суриштириб кўришса, шоҳона дастурхон учун таом тайёрлайдиган ошпаз ириган-чириган, ачиган узумлар сувини йиғиб қўйиб, увол бўлмасин деб асирларга яширинча тарқатар экан. Маълум бўлишича, ўша ачиган суюқлик биз бугунги кунда оддийгина қилиб “шароб” деб атайдиган спиртли ичимликнинг худди ўзи экан. Бу афсонамисол нақлни келтиришдан

мақсад, кейинчалик “арок”, “шароб”, “мусаллас”, “май”, “вино”. “бода” дея аталиб келинаётган спиртли ичимликлар тарихи тўғрисида маълумотлар келтириш эмас. Аксинча, бу захри қотилнинг инсон организмга салбий таъсири тўғрисида, қолаверса, ўтмишда ва бугунги кунда ароқхўрлик иллатига қарши қандай кураш олиб борилганлиги мавзусида мулоҳаза юритмоқдир.

Илгари сураётган мавзумизга эса улуғ мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий яшаб, ижод қилган даврни мисол қилиб олдик. Бунга эса ҳукмдор Хусайн Бойқаронинг суюкли набираси, тахт вориси бўлмиш Мўмин Мирзони қатл этиш тўғрисидаги фармонга маст ҳолда имзо чекиб юборганлиги, оқибатда бегуноҳ ва қалби тоза ўсмир бола қатл этилганлиги тўғрисидаги ҳаётий ҳақиқат туртки берди. Чунки Хусайн Бойқаронинг мастликда қилган бу ишини унинг яқин дўсти бўлмиш шоир Алишер Навоий кечира олмаган ва дўстидан юз ўгириб кетган эди. Аслида, бу Навоийнинг ичкиликбозликка қарши қаттиқ норозилигининг рамзи эди.

Дарҳақиқат, Мир Алишер Навоий табобат соҳасини яхши билган ва чуқур англаган инсон сифатида бу иллатга, яъни ичкиликбозликка қандай муносабатда бўлган? Ушбу саволга жавоб бериш, буюк бобокалонимизнинг ичкиликбозликка муносабати қандай бўлганлиги тўғрисида азиз китобхонларимизга ҳикоя қилиб беришдан аввал, неча-неча асрлардан буён соғлом фикрли кишилар нега Навоий таъбири билан айтганда, “сувлиғидин ўтлиғи афсун эрур” дея таърифлаган майхўрлик балосига қарши қандай усуллар билан кураш олиб борганликлари, шунингдек, ичкиликбозликнинг келиб чиқishi ва салбий оқибатлари тўғрисида қисқача бўлса-да маълумот бериб ўтишни лозим топдик. Чунки барча замон ва даврларда ҳам инсон ўзи ўйлаб топган ва бошига кулфатлар келтира оладиган бу захри қотил домига тушганларни қутқариш пайида бўлган. Хусусан, Алишер Навоий даврида ҳам шундай бўлган. Мақсадимиз, аввало ичкиликбозликка берилиш, албатта салбий оқибатларга олиб келишини айтмоқ, қолаверса, бир неча бор эслатиб ўтганимиздек, Мир Алишер Навоий ҳазратлари табобат илмидан яхшигина хабардор бўлганлигини яна бир бор таъкидламоқдир.

Аввало шунини айтиб ўтайликки, таркибида этил спирти бўлган ичимликларга ружу қўйиб, унга қарам бўлиб қолиш ҳолати тиббиётда “ичкиликбозлик”, яъни “майхўрлик” иллати дейилади. Чунки ичимлик таркибидаги этил спирти организмга сўрилиб, қон орқали идрок-онг, фикрлаш фаолиятини бошқарувчи бош мианинг



пўстлоқ ва пўстлоқ ости соҳасига таъсир этиб, кўзгалувчанлик фаолиятини ошириб юборади. Аслида, ичимлик таркибидаги этил спиртининг таъми ёки ҳиди ичувчини ўзига тортмайди, балки сархуш-маст қилувчи хусусиятигина ром қилади.


Мунтазам спиртли ичимлик истеъмол қилувчиларнинг 10 фоизи ичимликка қарам бўлиб қолиб, ичкиликбозликка муккасидан кетади ва майхўрга, демак пиёнистага айланади. Замонавий тиббий тадқиқотчилар этироф этганидек, майхўрнинг қонидаги этил спирти миқдорини агар 1 бирлик деб ҳисобласак, у майхўр кимсанинг жигарида 1,45, бош миясида эса 1,75 миқдорда бўлиши асаб тизимининг кўпроқ зарарланганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ичкиликбозликка берилганлар орасида касалланиш ҳолати 2-3 барабар ортиқ бўлади. Бу ҳолат замонавий тиббиёт томонидан аллақачон аниқланиб, исботланган. Хусусан, сил касаллигига чалинганларнинг 30-60 фоизи, жигар циррозидан азият чекканларнинг 80-88 фоизи асосан ичувчилардир. Ўлим кўрсаткичи ҳам шунга ҳамоҳанг бўлади. Яъни, 1000 нафар носоғлом боладан 500 нафарининг отаси, 70 нафарининг фақат онаси, 70 нафарининг эса ҳам отаси, ҳам онаси майхўр бўлганлиги аниқланган.

Француз шифокори Дэмме 22 йил давомида 10 та майхўрлар оиласини кузатган, улардан 57 нафар фарзанд туғилган. Шундан 25 нафари касаллик туфайли бир ёшга етар-етмас вафот этган. 17 нафар бола руҳий носоғлом, 5 нафар боланинг бош миясида сув йиғилган, бор-йўғи 10 нафар болагина соғлом вояга етган, холос. Гап ичкиликбозликнинг инсон организмига таъсири ва соғлом авлодга эришиш борасида кетаётган экан, муҳим бир гапни айтиб қўймоқ керак. Барчамиз яхши тушунишимиз керакки, чақалоқ ва ўсмир организмига этил спирти тез таъсир этади. Агар эмизикли аёл ичса сути орқали, ҳомиладор аёл ичса, қони орқали фарзандини заҳарлайди. Масалан, 50 грамм ароқ ичган аёл сутида 25 фоиз, чақалоғи қонида эса 1 фоиз этил спирти учраши фикримизга далилдир. Содир этилаётган жиноятларнинг тенг ярми ичимлик ичиш жараёни билан боғлиқ бўлишини доимо ёдда тутиш керак. Чунки британиялик экспертлар спиртли ичимликнинг соғлиқка салбий таъсирини, касбий фаолиятни сусайтиришини, жиноятчиликка ундашини, оила ва жамиятга ҳам маънавий, ҳам иқтисодий зарар келтиришини инobatга олиб “Майхўрлик-ғиёҳвандликдан хатарли”, деган хулосага келишган.

Муқаддас ислом дини ҳам ичкиликбозликни ҳамиша қоралаб келади. Донишманд халқимиз майхўрликни “хулқ касаллиги”,

замонавий тиббиёт эса “этил спиртига қарамлик касаллиги” дея таърифлайди бу иллатни. Биз эса гўри ва соғлом турмуш тарзига риоя қилаётган, ammo оиласида ичкиликбозлик иллатига чалинганлар бор инсонлардан узр сўраган ҳолда, бу хасталикни “иснод касаллиги” дегимиз келади. Чунки бу хатарли йўлга ўз ихтиёри билан кириб қолган ва эндиликда ундан қайтиб чиқолмаётган, қатор-қатор иснодли ишларга қўл ураётганлар ҳаётда сон мингта десак, асло муболага ўрнида кўрманг. Онгу тафаккурга суюнмай, таскинни ичкиликдан излаб, оқибатда иродаси панд бераётганлар ҳам орамизда кўплаб топилади. Энг ачинарлиси! оилада, жамиятда ўз ўрнини йўқотиб қўяётганлар ҳам бисёр. Назаримизда, янада ачинарлиси шундаки, бундай кимсалар уйда, тўйда, кўча-кўйда маст ҳолда юриб, эртаниз эгалари бўлмиш болаларга, ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқдалар. Чунки улар шу туришича, ичкиликбозликни текин тарғиб қилувчи тайёр “реклама”га айланмоқдалар. Нега бу фикрни дадил айтаяпмиз, нима учун тарғиб сўзини ишлатаяпмиз? Гап шундаки, ачинарли ҳолга тушиб қолиб, кўча-кўйда сасиб, тўнғиздай тўнтарилиб ётганларни кўрган ёшлар “нима, мен анавингга ўхшаб ағнаб, сасиб ётибманми, дўстлар даврасида, уйда ичаяпман-ку”, деган сохта юпанч билан спиртли ичимлик истеъмол қилишда давом этаверади. Бир кўргандаёқ кишида нохуш кайфият уйғотадиган, ҳатто, жиркантирадиган киши ҳам бир пайтлар ўзига ўхшаб фикрлагани туфайли мана шундай ачинарли ҳолатга тушиб қолганини эса, афсуски, айрим ёшлар мутлақо ҳаёлига келтирмайди.

Спиртли ичимлик тарихи жуда қадим-қадимларга бориб тақалади. Чунки юқорида келтириб ўтганимиз ривоятдаги каби, одамзот милoddан 8 минг йил аввал мусаллас тайёрлай бошлаган. Яъни, истеъмолда бўлган маданий навлар юзага келмасдан бурун ёввойи мева ва асалдан сархуш этувчи ичимлик тайёрлашни ўрганиб олган. Тоza спирт нима эканлигини араблар VI-VII- асрлардаёқ жуда яхши билганлар ва унинг номини “алкогол”, яъни “гангитувчи” деб атаганлар. Илк бор ароқни Рағез жаноблари 860 йилда тайёрлаган. Ўрта асрларга келиб, Ғарбий Европада бижғитиш-ачитиш йўли билан спиртли ичимликни итальян роҳиби Валентиус ажратиб олган. Унинг бу “кашфиёти” ўша давр одамлари томонидан “кувнок қилувчи, ёшартирувчи “муъжиза” ихтиро қилинди”, дея баҳоланди. Шу тариха спиртли ичимлик жамият ва одамларнинг маиший ҳаётига сингиб бора бошлади. Ҳар бир юртининг ижодкори илгор фикрли вакиллари бу ичимликнинг салбий томонларини ўрганиб, у



зарарли эканлиги тўғрисида тинмай бонг ура бошладилар. Лекин кеч бўлганди, спиртли ичимликлар аллақачон “кўнгилия кўтарувчи ва ёшартирувчи, кишига қувват бағишловчи зўр восита” сифатида оммалашиб кетганди.

Шундай бўлса-да, спиртли ичимликнинг жамият ривожига ва одамлар соғлигига, баркамол фарзанд улғайишига ўта зарарли таъсирини англаб етган ўз даври ҳукмдорлари бу оғу истеъмолини чеклашга, ҳатто, таъқиқлашга интила бошладилар. Масалан, 1220 йилда Хитой императори маст ҳолда юрган одамни дарҳол отиб ўлдириш ҳақида фармон чиқарган. Қадимги Рим ва Грецияда ўттиз ёшгача бўлганларга ароқ ичиш мутлақо маън этилган. Тўйи бўлаётган келин-куёвларга сархуш этувчи ичимлик истеъмол қилиш таъқиқлаб қўйилган. Швецияда ўлимга, Англия, Ҳиндистон, Россияда ҳам ичкиликбозликка қарши қаттиқ чоралар кўрилган. Русларнинг улуғ шоҳи Петр I маст одамни дўппослатиб, бўйнига оғирлиги 6800 граммлик “Пиёнисталиги учун” деган медаль осиб қўйишни ва дарҳол қамашни буюрган. Бизнинг улуғ Соҳибқирон бобомиз Амир Темур эса аскарларига сархуш этувчи ичимликларни истеъмол қилишни маън этиб, “Аскарлари соғлом юрт қудратли бўлиши”га эришган. Соҳибқироннинг “Лоақал бир марта май ичиб ойчехра оғушида бўлсанг, эртасига қўлинг ишга бормайди”, деган ўғити манбаларда ёзиб қолдирилган. Энг муҳими, Соҳибқирон бобомиз уйланаётган аскарларига тўйдан 20 кун олдин, тўйдан кейин эса уч ой давомида спиртли ичимликлар истеъмол қилишни қатъий маън қилган. Соғлом авлодни таркиб топтириш учун шундай қилган. Амир Темур ўғли Шоҳрух Мирзога: “Омадсизликнинг сабаби – майхўрлик ва ишратпараслик. Ичувчи вақти ва нақдини йўқотади. Яъни, касб-кори ва қўлдаги хазинасини беҳуда совуради”, дея насиҳат қилган ва ўзи ҳам умри давомида ана шу ўғитга қатъий амал қилган.

Амур Темур авлоди ҳақида салбий фикр билдириш ёки сўзлаш айб ҳисобланган даврда яшаб, ижод қилган Алишер Навоий ҳам майхўрликни бир умр қоралаб, бу иллатга қарши курашиб ўтди десак, асло муболаға бўлмас. Чунки 40 йилга яқин салтанат сурган Ҳусайн Бойқаро даврида Алишер Навоий хазратлари айнан майхўрликка ружў қўйганларни қоралаб, айни пайтда одамларни ичкилик инсон маънавияти каби саломатлиги учун ҳам бориб турган кушанда эканлигидан огоҳлантириб ўтди.

Бу мавзудаги суҳбатимизни давом эттиришдан аввал, алоҳида таъкидламоқ керакки, юқорида билдирган фикрларимиз етук

навоийшунос олимлар томонидан ҳам эътироф этилган. Яъни, олимларнинг фикрича, темурий ҳукмдорлар даврида илм-фан ривож, кашфиётлару ҳар соҳада тараққиёт барқарорлиги таъминланган. Бунда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёс бўлган. Яъни, ул зот турли соҳалар ривожда раҳнамо ва ҳомий вазифасини ўтаган. Бу фаолиятида у биринчи галда, охир-оқибатда инсон онги-тафаккурини хиралаштириб, ўтмаслаштириб қўядиган спиртли ичимликни қоралашга қаратилган тарғиб-ташвиқ ишларини кучайтиришга қаратилган асарлари, алоҳида шу мавзуга бағишланган шеър ва ғазалларидан унумли ва ўринли фойдаланган. Масалан, Навоий шеърларининг бирида спиртли ичимлик тўғрисида сўз юритаркан, бу оғу кўзимизга худди сувдек тоза бўлиб кўрингани билан, аслида унинг оловлиги кучлироқ, дея таъриф берган: “Гарчи сувдек софи-ю мавзун эрур, Сувлиғидин ўтлиғи афсун эрур...” дея, ароқ гўё моҳир афсунгар мисол кишини вақтинчалик кўнгилхушликка, шердилликка ундаб сўнгра, куйдириб юборишини таъкидлаган, бу сохта афсунга учмаслик бəрасида огоҳлантирган. Навоий шеърларининг яна бирида инсон саломатлиги ва баркамоллиги кушандаси бўлмиш ичкиликбозлик иллатини беаёв ошкор этаркан, шундай ёзади:

Улки ичиб бодани паймонадин,  
Маст чиқар куйга хумхонадин,  
Элга қилиб ҳамла ёмон ит киби,  
Қайси ёмон ит, қопагон ит киби.

Алишер Навоий майхоналардан маст бўлиб чиққан киши одамларга ёмон ит каби ҳамла қилади, кўчада ўз ташвишлари билан андармон юрган одамларга қопагон ит мисол ташланиб озор етказди, дея ҳисоблайди. Шоир ва инсон сифатида бундайлар холига ачинади, афсусланади. Майхўр одам “дам-бадам ичишдан нима баҳр олади, инсоний қиёфасини йўқотиб устма-уст заҳар ичиб нима наф топади”, дея куйинади:

Бадмастқа дамодам ичмакдин не баҳр ким,  
Одабийлик қатлига ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр.

Юқорида Алишер Навоий нафақат табобат соҳасининг ишончли хомийси, балки унинг ўзи ҳам бу борада пухта илмга эга

бўлганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Мана бу сатрлар ушбу фикримизни яққол далиллайди, деб ўйлаймиз:

Бодаки, йикмок сари ўқ майлидур!  
Жисм уйига, билки, бало сойимдур.

Навоийнинг фикрича, “майнинг мақсади ичқувчини йикитиш билан инсон жисми биносига бало селидир”. Яъни, май инсон танасини тошқин сел каби уйларни бузиб вайрон қилгани каби хароб қилади, “Инсон танаси жисм уйидир, жон уйи дема, иймон уйи де”, - дейди Навоий. Демак, шундан ҳам аён бўлиб турибдики, Алишер Навоий ҳазратлари шоир сифатида майхўрликнинг инсон маънавиятига, камолотига, одоб-ахлоқига, феълига салбий таъсири тўғрисида фикр билдириш билангина чекланаётгани йўқ. Навоий, бу захри қотил инсон жисмига, вужудига, саломатлигига қандай кучли таъсир этиб, емириб ташлаши мумкинлигини мутахассис табиб даражасида очик-ойдин, равшан ҳамда аниқ қилиб тушунтириб ҳам берапти.

Навоийнинг саломатлик билан боғлиқ асарларида май ичиш тангри томонидан маън қилинганлиги ҳам уқтириб ўтилади. Шундай бўлса-да, бу оғудан инсоннинг ўзи ихтиёрий равишда воз кечмоғи лозимлигини, бунинг фойдаси ҳар жиҳатдан мўл бўлишини ҳам таъкидлайди: “Ҳар ҳолда тарк қилган яхшидир, мутлақо ичмаслик соғлиққа ниҳоя”, дея фикр билдиради. Шу тариқа Алишер Навоий майни, бодани, арокни “барча ярамасликлар онаси”дир, дея ичкиликбозликнинг салбий оқибатларини очиб ташлайди ва уни зарарқунанда деб билиб, қоралайди. Навоий майхўрликни кораловчи шеър ва ғазаллар битар экан, оҳорли ташбеҳлардан, нишонга беҳато бориб тегадиган сўзлардан жуда оқилона ва ўринли фойдаланади:

Совуқда қочибон ўт шуъласидин,  
Тезак дуди сори қилмоқдур оҳанг.  
Киши зуҳд ичра майдин жавоба айлаб,  
Нишот андин хаёл айлаб емак бант.

Навоийнинг уқтиришича, майдан воз кечиб наша чекиш, совуқда ўт шуъласидан қочиб, тезак тутунига боргандекдир. Яъни, инсон саломатлиги ва руҳиятига салбий таъсир этадиган ҳар қандай кайф берувчи модда зарарли, унга яқинлашиш эса балоларнинг бошланишидир. Демак, Навоий ҳазратлари кишиларни май ва бода

ичишни тарк этиб, қорадорига ва нашага ўрганган кимса майхўрликдан ҳам оғирроқ қисматга дуч келишини айтиб, огоҳлантормоқда. Навоийнинг яна бир шеърида мана бу сатрларни ўқиш мумкин:

Бодага кўргузса киши хитралик,  
Ақл чироғига берур титралик.

Бу сатрларнинг маъноси шуки, кимки айёрлик қилиб бода ичишда давом этаверса, унинг ақл чироғи хиралашди. Шунинг учун ҳам ҳазрат Навоий кишиларни май ичишдан қайтаради, хушёр юрмоққа чорлайди. Аллоҳ маън этган ҳаром ичимликни истеъмол қилгандан кўра, уни тарк этмоқ авло эканлигини таъкидлайди. Яратган эгамдан кўрқмай қарлик чоғида ҳам бода ичишни давом эттирган киши учун бу иши мусулмончиликдан чиқиш билан баробардир, яъни бундай мусулмондан насроний афзалдир дея таъкидлайди.

Май ичмак наҳй эрур Тенгри қавли,  
Ҳар ҳол била анинг тарки авли.

Алишер Навоий ҳазратлари “Ҳайрат ул-аброр” асарида бодага берилиш эл-улус олдидан обрўсизланиш ҳамда комилсизлик, ахлоксизлик жарига тортилиш билан баробар эканлигини баён қиларкан, бода: “Вужудинглаги мағрурликни кучайтиради, оғзингни фиску-фужур қўли билан очиб бемаза сўзлар айтишга ундайди, кўчаларда масҳара қилади”, дейди. Бу фикри билан Навоий спиртли ичимлик кишининг организмга сезиларли даражада зарар етказгани каби онгини, ақли-хушини, ортиқча ва сохта ғайрат қўзғаб ўзини-ўзи башқара олмайдиган ҳолга солиб қўйишини уқтиради. Яна бир бор таъкидлаш мумкинки, бундай залворли фикрларни фақатгина инсон жисми, касалликлар тарихи ва зарарли моддаларнинг соғлиққа қандай таъсир этишини илмий жиҳатдан билган одамгина айта олади. Айни пайтда ичкилик туфайли инсон организми ва руҳиятида содир бўладиган ўзгаришларни шоирона кўз билан кўриб, таърифлайди. Навоийнинг таърифича, бодахўр кимса тушиб қолган ёки алал-оқибат тушадиган ҳолат “тўнгнинг ҳидидан кўнгли очилади, бу эса худди қора кўнғиз тўнгни юмалатиб юргани каби”дир. Яна бир таърифида Навоий маст одамни кўмир сотишни касб қилган кимсага ўшатади. Яъни, шу касб орқали тирикчилик қилиб юрган, касб тақозоси билан юзи-ю кўлига кўмир гарди юкқан

кишига монанд ичкиликбознинг юзи қора бўлади. Ўртадаги фарк шундаки, “кўмирчи касбига кўра мажбуран баданига қорақуя юқтирди, бодахўр эса ўз ихтиёри билан юзини қора қилди”.

Навоий ичкиликбоз кимса таърифини турли таъсирчан ҳолатларда чизишга муваффақ бўлади. Айни пайтда, инсонга Аллоҳ томонидан берилган чиройли қад-қомат, ҳусн-малоҳат, соғлом вужуд ароқ туфайли аста-секин хароб бўлишини жуда гўзал ўхшатишлар орқали таъсирчан баён этади: “Бойқуш харобаларда товусдек товлангани каби ичкиликбоз ҳам тобора хароблашиб бораётган вужудининг ҳақиқий аҳволини сезмайди ва ўзини шердек ҳис этади”.

Алишер Навоий томонидан “Ҳайрат ул-аброр” асарида киши диққатини тортадиган яна бир ажойиб фикр илгари сурилган. Эътиборлиси шундаки, Навоий нафақат ичкиликбозликнинг зарарли томонлари, у келтириб чиқарадиган салбий оқибатлар тўғрисида, балки шоҳлар ҳузурда, тўй ва базмларда, байрамларда ҳам ичкилик ичиш маъқул иш эмаслигини, умуман олганда, бундай давраларда одам ўзини қандай тутиши лозимлиги борасида ҳам жуда қимматли маълумотлар келтириб, ўринли мулоҳазалар билдирган. Навоий даҳосининг кучлилиги шундаки, у бундан неча-неча асрлар аввал билдирган фикр-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Аксинча, худди кечагина айтилган оҳорли гапдек ярқираб турибди. Хусусан, биз эслатган “Ҳайрат ул-аброр” асарида Навоий шундай ёзади: “Шоҳ гулшанида базм куриб, шодлик йўлини тутди. Ҳар киши ўз даражасини билиб ўтирса, йиғинда тартиб-интизом бўлади”. Бу фикрларни, албатта, Навоий бежиз айтмаган. Чунки базму жамшидларда иштирок этиб май нўш этадиган кишиларнинг ўз тафактури даражасидан ортиқ гапларни билиб-билмай сўзлашларини, айрим қозилар, дин пешволари эса мавқеларига тўғри келмайдиган ҳолда қилиқлар қилиб, бода ичганларини кузатгач, шундай мулоҳазага келган. Шу тариқа Навоий ичкилик туфайли шоҳ базмларида ичилган спиртли ичимликлар туфайли юзага келадиган нохуш ҳолатларни, талотўпларни ўз кўзи билан кўрганлиги боис яна бир қарра бодахўрликни қоралаб: “Борди-ю ичкилик ақлини еб, шоҳ ўз ёнига эшик оғасини тортса ёки кул ўз беги билан ади-бади айтишадиган бўлса, ундай базмда тагин қандай ҳаловат бўлиши мумкин?”, дейди Навоий.

Алишер Навоий ижодини кузатар экансиз, у майпарастлик иллат эканлигини қоралаб кўп ва хўп ибратли ҳикматлар айтганлигининг гувоҳи бўласиз. Мутафаккир шоирнинг бу мавзуда битган ҳар бир

сатри ҳикматона тарзда бўлиб, кишини ўйга, мулоҳазага чорлайди. Навоийнинг фикрича, “хушёр кишилар ўйлаб сўзласалар, маст одам тартибсизлик қилиб, кишиларни ўзидан кулдиради”. Навоий ҳикматларининг айримларида жуда чиройли назмий оҳанглар устувор бўлса, айримларида маълум маънодаги ўзига хос ҳажвиёна унсурлар сезилиб туради: “бир култум май мастларидан тартибсиз ашула – телба итлар улушганидан нишона”. Қуйида эътиборингизга ана шундай ҳикматлардан айримларини ҳавола этамиз.

Бўлмаса тарёк ила жаннатга баҳр,  
Солмағил аччиқ била жонингга захр.

Яъни, “жонингга тарёқдан баҳра етмаса, аччиқ билан жаннатга захар солма” дейди Навоий.

Бол май иси бирла маст ўлди,  
Ғам ҳайлига зери даст ўлди.

Яъни, “май иси билан маст бўлиб, ғам отлари остида забун бўлди”, дейди афсус билан Навоий.

Қилди май хожанинг димоғин гарм,  
Рафъ ўлди ҳижобу паради шарм.

Яъни, май ичувчини кайфиятини кўтариб, онгига таъсир этиб, уят ва шарм унутилишини ошкор қилади.

Киши май ютса, кўнглум они қон ютқон гумон айлар,  
Сув ичканни май ичкан соғинурким, бўлса майхора.

Яъни, биров май ичаётган бўлса, юрагим уни қон ютаяпти, деб гумон қилади. Майхўр сув ичаётган бўлса ҳам одамлар уни май ичаяпти, деб ўйлайди.

Не суд гулшан аро ичмакнинг ниҳон бода  
Ки, юзда гуллар очардин бўлур аён бода.

Яъни, майни яшириб ичиш бефойда, барибир, юзинг қизариб ичганингни ошкор қилади.

Қари қизарса ичиб бода андоққим,  
Ўзига ғоза била зол истагай хумрот.

Яъни тарбияда, ақлу-фаросатда ўрнак, ибрат бўладиган кексалик чоғидаги қари одам ичиб юзимни қизартириб ёшартираман деса,



унинг бу қилиғи “ғоза (қизартирувчи ранг) сурувчи кекса кампирнинг аҳволига ўхшайди”.

Ҳа, Мир Алишер Навоий ҳазратларининг саломатлик ва комиллик кушандаси бўлмиш ичкиликбозликка муносабати, ул зот бу борада олиб борган тарғибот, ҳар бир инсонни ҳушёрликка даъват этиб огоҳлантиришлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Йўлчи юлдуз мисол соғлом турмуш тарзини танлаганлар учун ёрқин ёғду сочиб турибди.

Шу ўринда баъзи китобхонларимиз кўнглидан: “Алишер Навоий кўплаб ғазалларида май, бода ҳақида сўз юритган, ҳижрон юкининг, соғинч туйғуси етаклаб келган дарднинг давосини май нўш этмок орқали юпанч излаган-ку?!“, деган фикр ўтиши мумкинлигини инобатга олиб, Навоийнинг айнан ишқий мазмунда, лекин бода ичиш билан боғлиқ ғазалларидан намуналар келтириб ўтишни лозим топдик. Чунки бу ғазалларда буюк Навоий ичкиликни, у орқали келадиган кўнгилхушлик ёки юпанчни, таскинни ёкламайди, аксинча, қоралайди ва бошга тушган айрилиқни бу йўл ва усул билан бартараф этишга интилиш энг катта хато эканлигини таъкидлайди. Кўйида биз мисол тариқасида келтирадиган ва шоирнинг “Хазойин ул-маоний” девонидан олинган ғазалларни ўқисангиз“ бунга ўзингиз ҳам яна бир қарра амин бўласиз.

Бут олдида чу сужуд айлагум бода,  
Дирам йўқ эрса, гарав хирқа бирла сажжода.

Ўчурди ақлим ўтин, балки йикти диним уйин,  
Не англадимки, не сайли бало эмиш бода.

Агарчи дайрда усрук йиқилдим, аммо шукр,  
Ки боре муғбача кўйида бўлдум афтода.

Етишмагай майи ваҳдат фуруғ бўлмагуча,  
Замир шишаси соқий узоридек сода.

Чу зухд келди риёу йўқ одамида вафо,  
Не бўлди тутса манга бода бир паризода.

Килур муболаға кўп ишқу бода таркида шайх,  
Мени ҳам истар ўзи янглиғ айлагай лода.

Навойй, ўлғил икки кун майлидин озод,  
Ки дўст ғайрига бўлмас муқайяд озода.

Бу ғазалида Алишер Навоий бода ичиб маст бўлмоқ, диндан қайтмоқ (“бут оллида чу сужуд айлагум ичиб бода”) билан тенглигини, ароқхўр чўнтагида бирор дирҳам пули қолмаганда ҳам ҳирқаю либосини гаровга қўйиб бўлса-да, ичаверишини таъкидлапти. Шайх ишқдан ёнган юрагим ўтини ўчириш учун муболага билан бодага меҳр қўйишни мақтаяпти, мени ҳам ўзи каби ичкиликбозга, жисмимни эса лагтага айлантирмоқчи бўлаяпти, бода сайли шундай бало экан-ки, ақлим ўтини ўчирди, дину иймоним уйини йиқитди, демоқда.

Халқ меҳрига яна, ё раб, мени зор айлама,  
Айласанг ҳам, меҳри йўқларга гирифтор айлама.

Меҳрибонларга доғи учратсанг, элнинг меҳрини  
Ногаҳон хотирлари ичра падидор айлама.  
Эй пари, қатлимга майл этсанг, фидо жоним валеқ,  
Ўзга сори хотирингнинг майлин изҳор айлама.

Лаълидин ким қилса бир жонбахш сўз нақл, эй кўнгул,  
Оллида жон жавҳаридин ўзга нисор айлама.

Тушта васли бўлса гар худ барча сўнги уйқудур,  
Эй Хизр, ҳайвон суви ичмакка бедор айлама.

Ҳалқан куфр ичра чунқўйдум қадам, эй пири дайр,  
Муғбача зулфи хамидин ўзга зуннор айлама.

Эй Навоий, дам-бадам афгор кўнглунг соғиниб,  
Итик-итик ун била эл кўнглин афгор айлама.

Навоий қаламига мансуб яна бир ғазалда эса ошиқ “не куйга тушсам ҳам, яъни ёр мени ўлдирса-да, хатто, гушимда ёр васлига етмоқ илинжида сўнги уйқуга кетсам-да халқ меҳридан айирма. Хизр, мени юпантириб ҳайвон сувин (бода) ичмоқ учун тирилтирма. бедор қилма, токи уйғониб яна маст бўлиб эл кўнглини хира қилмайин, эл ҳурмат-эътиборидан жудо бўлмайин”, дея илтижо қилади. Ҳажр ўтида куйиб адойи тамом бўлган ва аламини майхўрликдан олмоқчи бўлган ошиқ тилидан айтилган ушбу ғазалда ҳам Навоий ичкиликбозлик нақадар хунук ва ёмон иллат эканини,

у инсонни нафақат дину иймонидан, балки жисмини этидан айириб,  
куруқ сўнгакка айлантириб қўйишини афсус билан таъриф этади:  
Баски қон борди аламлар юзланиб ҳар доғима,  
Заъф ифроти яқинлаштурди борур чоғима.

Базм аро ёдим била туфрокқа гохи май тўкунг,  
Қим эрур ул ҳам яқинким, тўккасиз туфроғима.

Бу мараз хижрондин ўлмиш, берма шарбат, эй табиб,  
Қам зулоли хизр етса, захр ўлур қурсоғима.

Мана заъфидин тери қолмиш сўнгак узра яна,  
Заъф ўқи паррон ўтар, чун етса бу япроғима.

Биз амен зунвор боғлабмен вале хайли ажал,  
Бизнинг, судрарлар, иликлар беркитиб белбоғима.

Мана лифат боғида ул қушменки, ҳайрат айлағай,  
Тоари қудс айласа бир дам нашиман боғима.

Эй Навоий, дард тоғинда соғинғай лолазор,  
Боққан эл ҳам тоза қонлиқ, ҳам қаролиғ доғим ...

## НАВОИЙ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ВА КОМИЛЛИК ҲАҚИДА

Ҳикоят қилишларича, кунларнинг бирида ёш ота-она машҳур аллома табиб Абу Али ибн Сино ҳузурига келиб:

–Эй, табиб! Мана, фарзандлик бўлдик. Тарбиясини қачондан бошлайлик? – деб сўрабди.

–Фарзандингиз тарбиясида тўққиз ойга кечикибсизлар, – дея жавоб қилибди Абу Али ибн Сино ҳазратлари.

Расоламизнинг ушбу, яъни фарзанд тарбияси ҳамда Навоий ҳақида комиллик тушунчаси қисмига ўтишдан аввал бежиз халқ орасида машҳур ибратомуз ҳикоятни келтирмадик. Чунки ўзингиз табиб гувоҳ бўлиб турганингиздек, ҳаёт сўқмоқларида фарзанди тарбиясига ўз вақтида етарлича эътибор қаратмай, охир-оқибатда ҳақиқатда қолиб кетаётганлар сон мингта. Келинг, ҳикоямизни яна бирдан минг йиллар аввал ибн Сино башарот қилиб кетган мавзуга фарзанд тарбиясига оид фикрларга қаратайлик. Дунё миқёсида тан

олинган бу вагаддошимизнинг фикрича, “Ахлокий тарбия ирсий хусусият касб этмай, теварак-атрофдаги омилар ва одамларга муносабат туфайли шаклланиб, доимий ўзгармас қолибда бўлмайди”.

Мамнуният билан қайд этиш керакки, замонавий тиббиёт ҳам олам аро машхур табиб Ибн Синонинг ушбу қарашларини ҳамон қадрлаб келмоқда. Чунки Аблу Али ибн Сино ўз давридаёқ бола тарбияси борасида оид қимматли тавсияларини бериб кетган. Олимнинг фикрича, бу тарбияни жуфт танлашдан бошлаш, ҳомиладорлик даврида, чақалок, беланчак, ўсмирлик ва кейинги даврларга қараб олиб бориш керак. Биз эса фарзанд тарбияси ва унинг комилликка эришиш йўлидаги буюк олим, мутафаккир Мир Алишер Навоийнинг қарашлари ва панду-насихатлари ҳақида сўз юритишга чоғланаёلمиз.

Навоийнинг фарзандга муносабати қандай бўлган, умуман, шоир сифатида фарзанд тарбияси тушунчасини қай йўсинда таърифлаган? Улуғ бобокалонимизнинг бола тарбияси билан боғлиқ фикрлари тўғрисида мулоҳаза юритишга киришидан аввал, унинг “Фарҳод ва Ширин” достонига мурожаат қилиб кўрайлик. Назаримизда, айнан шу достонда юқорида биз ўртага ташлаган саволга жавоб бордек.

Алишер Навоий узининг машхур “Фарҳод ва Ширин” достонига фарзанд масаласига жуда жиддий эътибор билан қараганлигини кузатиш мумкин. Айнан шу асарида у фарзанд масаласига, унинг тарбиясида ота-онанинг ўрни қандай эканлигига оид ўз фикрларини жуда чиройли оҳангларда, бадий йўсинда баён этган. Ушбу достонни биз илгари сураётган мавзу нуқтаи назаридан қараган ҳолда кўздан кечириш жараёнида бундан бир неча йиллар аввал эълон қилинган бир мақола ёдимизга тушди. “Достон баёнига кўра, ҳукмдор сифатида барча орзу ҳаваслари ушалиб, беармон яшаётган ҳоқон тожу тахтига ўз зурриёди эгаллик қилишини истайди, – деб ёзади тадқиқотчи олим Бобомурод Эралиев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2012 йил 20 январ сонигаги “Фарҳоднинг ташрифи” сарлавҳали мақоласида. – У фарзанд тилагида изтироб чекади, тожу тахти ва молу дунёсига бир “халаф” эга бўлишини ўйлаб, ғам-қайғуга ботади... Муайян вақтдан кейин фарзанднинг дунёга келиши ҳоқонлик ҳаётида қатга бурилиш ясаydi. Фарзандсизлик юртда нотабиий ҳолат юзага келганига бир ишора бўлса, фарзанд туғилиши муайян ўзгаришлар ва жонланишни юзага келтиради. “Фарҳод ва Ширин” достонига ҳам ҳоқон Парвардигордан ўзига фарзанд, яъни ўз тили билан айтганда, бир

гавҳарни тилаб олади. Бироқ “илки тақдир” бу орқали бошқа нарсани амалга оширишни мақсад қилганини ҳоқон англаб етишга ожиз. Кўпинча инсон назари ҳаётнинг зоҳирий қатламини кўради, унинг ботинига кириб бориши анча мушкул. Навоий талқинига кўра, гавҳар (яъни фарзанд) кўзга лаълга ўхшаб, қизил рангда товланиб кўринса-да, аслида кўлга олганда куйдирадиган чўғ экани аён бўлади. Бу ўхшатиш орқали Навоий ҳоқон тожу тахтига эгалик қиладиган ўринбосарни сўраса, тақдири азал унга Фарҳод – улкан дардни ато этди. Ҳоқон шу “дард” ташрифидан беҳад қувонади. Чунки у фарзандга эмас, аслида дардсизликка мубтало. Шу боисдан ҳам шоир бу дардни куйдирадиган лаълга ўхшатаётгани бежиз эмас. Лаълга эгалик қилганидан боши осмонга етса-да, унинг тубида дард ва ғам-қайғу яширинганини ҳоқон билмайди”. Тадқиқотчи тўғри таъкидлаганидек, фарзанд ота-она учун қувонч манбаи. Аммо унинг тарбияси, ахлоқ-одоби тўғри шакллантирилмаса, муносиб тарбияни олмаса, у албатта бир кун келиб ота-она учун дардга айланади. Навоий таърифлаганидек, “кўлга олганда куйдирадиган чўғ” мисол вояга етади.

Тўғри, Алишер Навоий Фарҳод образини яратар экан, у вақти етгач, ота-онаси учун тўғри маънодаги дардга, яъни кўнгилга куйик солувчига айланмайди. Балки ошиқлиги туфайли отаси кўнглини бир қадар ранжитади, олис сафарларга йўл олади. Навоий туғилажак ҳар бир фарзанд аввало, ота-она учун орзунинг ушалиши рамзини берса, бир жихатдан тарбияси тўғри йўлга қўйилмаган бола, бир кун келиб уларга дард олиб келишига ишора қилади:

Валаддур ул дуру волид садафдур,  
Садаф, яъни отоу дур халафдур.  
Садаф йўқ ул баҳр аро гар бўлмас инжу,  
Ани бил, бир ниҳоятсиз аччиқ су.

Кўриниб турибдики, Навоий билиб айтганидек, фарзанд аслида ота-она учун мисоли садаф. Агар бу садаф тегишли парвариш ва тарбияни ўз вақтида тўғри олмаса, у “ниҳоятсиз аччиқ сув”га айланади. Яъни, ота-онанинг аччиқ кўз ёшлар тўкишига сабабчи бўлади. Маълум бўлаяптики, Алишер Навоий бола тарбиясига жиддий муносабатда бўлган, уни энг муҳим иш деб билган. Шунинг учун ҳам фарзанд ва унинг тарбияси тўғрисидаги қарашларини дoston қатига жуда усталик билан сингдириб юборган. Рост, ота-она фарзандли бўлмоқни орзулаб, фарзанд кутиб яшайди. Ҳаётимни, кексалигимни обод этади, қариганимда таянч бўлади, деб ният

қилади. Бу орзунинг ушалишидан сўнг, ота-она томонидан бола тарбияси билан боғлиқ кўриладиган чора-тадбирлар ўта муҳим босқичдир. Бoshqача қилиб айтганда, бола тарбияси ҳам халқимиз билиб айтганидек, “нима эксанг, шунини ўрасан”, нақлига мос бўлади.

Бу каби қарашларини Алишер Навоий ҳазратлари ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” асарида (261-262 бетлар) янада аниқроқ ва равшанроқ баён этган. У ёзади: “Ёш болага нисбатан энг зарур иш, билки, уни кичкиналигидан парвариш қилишдир. Тарбиянинг бири – болага яхши исм қўйиш бўлиб, уни исми билан чақирганларида у уяладиган бўлмаслиги керак”, деб ёзади. Демак Навоий бола тарбиясига ҳам беларво бўлмаган. Ҳатто болага қўйилажак исм ҳам муҳим аҳамиятли бўлишини таъкидлаган. Навоий қанчалик ҳақ эканлигини чуқурроқ англаш, бу бобокалон шоиримиз билдирган фикрлар ҳозирги давр учун ҳам муҳим эканлигини далилловчи бир мисол келтириб ўтайлик.

Талабалик йилларини “гуллатиб”, тиббиёт соҳасида нималарнидир ўрганишга иштиёқманд бўлиб юрган даврларимиз эди. Амалдаги тартиб бўйича ўқув-амалиёт дарсларини ўтаётган кунларнинг бирида тиббиёт соҳасининг таниқли дарғаларидан бири бўлмиш устозимиз, “Жуманазар, фамилиянгиз нима маъно англатади?”, деб сўраб қолди. Очиғи, жавоб беришда бир оз каловландим. Чунки устозим мени қийнаб юрган саволни ўртага ташлаган эди. Ҳарқалай, тезда ўзимни ўнглаб олдим. Сўнгра ўйга толдим. Болалар йўл кўядиган хатоларга ота-оналар масъулдир. Аммо, фарзандлар... Менимча, фамилиямдан маъно топиш мушкул. Жуманазар – улуг кун, холис ниятларни билдиради. Чунки “кун” арабчада “ярат”, “ижод қил” деган маънони англатади. Жума кунининг хосияти ва улугланишига 2012 йилда муқаддас Умра зиёратида гувоҳ бўлдим.

Менинг фамилиям аслида Муҳаммадиев бўлиши керак. Бобом Омон Муҳаммадиев бўлганлиги учун ҳам ўз вақтида КПСС сафларига қабул қилинмаган. Фамилиясини ўзгартириб, Мадиев бўлгачгина, бу мақсадига эришган. Табиийки, мен бу мулоҳазаларимни кўнглимдан ўтказдим, лекин сиртимга чиқармадим. Ҳар ҳолда, “Маъди” сўзида маъно бор. Афсуски, давр мафқурасининг калтабинлиги туфайли мен, ҳатто бирор маънога эга “Маъдиев” эмас, мужмал ҳолдаги “Мадиев” фамилияли бўлиб қолганман. Ногаҳон бир висол тўйида галати воқеага гувоҳ бўлиб қолганман. Тасодифни қарангки, куёвнинг исми Бўри, келинники эса Қўзигул. Ўша тўйда кимлардир уларнинг исмига қочирикли гаплар қилгани дилни хира торттирганди.

Ўрни келиб қолди, яна бир мисол келтириб ўтайлик. Эл олдида ўз панд-насихатлари билан чиқишлар қилиб турадиган, яхшигина лавозимда ишлайдиган Панжи исмли биродаримиз бор эди. Бир куни иш жойига сўроқлаб борсак, “бизда унақа одам йўқ”, деб жавоб беришди. Кейин билсак, у исмини “Нурулло” деб ўзгартирган экан. Биз ва биз тенгиларнинг аксарияти ота-она ёки хизмат вазифаси мажбурияти, қолаверса, мафкура талабларидан келиб чиқиб, ўз исм-шарифини ўзгартиришга мажбур бўлганлар. Бундай йўл тутган фарзандлар исмини ўзгартиргани билан, барибир, ҳали-ҳануз ҳақиқий исмидан уялиб, изза тортиб юрадилар. Яъни, “ота-онамиз томонидан қўйилган исм замона зайлига тўғри келмаслиги, ҳеч бир маъно англатмаслиги натижасида кўпчилик ҳолларда хижолат бўламиз”, дейди улар. Бу эса табиийки, боя биз эслатган “висол оқломи” каби ҳаётимизга кириб келган янгиликлар кабидир. Бундай “янгиликлар” аслида, иллат саналади. Шунинг учун ҳам турли ёмон иллатларга берилмасликка ундар экан, ҳазрат Алишер Навоий шундай дейди:

Навосаз улуснинг навобахши бўл,  
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

Навоийнинг ана шундай пурмаъно ҳикматларини унутиб қўйдик шекилли, ёмон иллатларга берила бошладик. Миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган урф-одатларга, расм-русумларга, анъаналарга тақлид қилишга ўрганиб қолдик.

Алишер Навоий ҳазратлари “тарбиянинг яна бири, фарзандларга илму адаб ўргатишдир”, дейдилар. Мана бу мисралар шундан далолат бериб турибди: “Ит етук таълим олгани сабабли тишлаб келган ови ҳалол. Ювган билан тоза бўлмайдиган ит олим экан, ўғлинг билимсизлигича қолиб кетса, ажаб камчилик бўлади”. Яъни:

Итки, таамумда чу бўлди камол,  
Сайд онинг оғзидин ўлди ҳалол.

Шу ўринда улуғ мутафаккир бобокалонимизнинг илм ва уни эгаллаш ҳақидаги айрим фикрларини, қолаверса, юқорида ўзимиз юритган мулоҳазаларга тасдиқ сифатида келтириб ўтсак, айни муддао бўлади.

\* Билмагани сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим.

\* Оз-оз ўрганиб доно бўлур,

\* Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

- \* Эр кишига зебу –зийнат ҳикмат ва донишдур.
- \* Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни эшитурдин қайтма.
- \* Илмни ким воситаи жаҳ этар,  
Ўзини-ю халқни гумроҳ этар.
- \* Илм ўқуб, қилмаган амал мақбул,  
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.
- \* Эмгак тортиб – илм ўрганган хирадманд...

Тарбиянинг фарзандга энг кераклиларидан яна бири устоз ва ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг олдида фарзанд мажбурлиги, масъуллигидир. Навоий ҳазратлари “Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанинг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам ҳам босма”, дея таъкидлайдилар. Чунки:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо анинг ҳаққин юз ганж ила.

Алишер Навоий нафақат ота-она, балки сени илм сари етаклаган устозлар ҳам отанг каби улуғдир, деган эзгу ҳикматни илгари суради. Навоийнинг жуда кўплаб ғазалларида, шеърларида, афоризмларида бола тарбияси билан боғлиқ бўлган тарбиявий аҳамияти юксак, киши маънавий оламини бойитувчи ҳикматона иборалар, сўзлар, сатрлар баралла сезилиб туради. Айниқса, ҳар бир инсонни илмли ва билимли, адабли ҳамда одобли бўлишга ундаш оҳанги баравж пардаларда киши эътиборини ўзига тортади. Айни пайтда, бу ҳикматона сўзларда дидактик оҳанг ҳам кучли эканлигини қайд этмоқ зарур:

Бўлди банда ато-аноға яксон  
Ким, Ҳақ деди: “волидайн эҳсон”.  
Қуллуқ оврин айла расму одат,  
Кавнайн адо бил муни саодат.

Ота-онангга бир хилда қуллуқ қил, улар ғанимат,  
Бу ишинг икки дунё саодати бил.  
Сенга туну кун нур бериб турган ота-онангни  
Бирини куёш, биринин ой бил.

Бу назмий сатрлари билан Навоий ҳазратлари “юрган йўлингда катталарни ҳурмат, кичикларга шавқат қилгил. Ўрта ёшлиларнинг ҳурматини меъёрида асрагил, ортиқча улуғлаб юборма, таҳқирлаб



ҳам юборма”, дея инсон комиллигидан дарак берувчи фазилатларни тараннум этмоқдалар. Комил инсон эса ҳеч қачон бировнинг, айниқса, кексаларнинг кўнглига озор бермайди. Бу борада ҳазрат Навоий “кексаларни дарди кам демагил, улар юз карра соғлом бўлсалар-да, қарилигининг ўзи уларга етарли дард”, дея огоҳлантиради:

Қари кишига, билки кам эмасдир дард,  
Юз сиҳҳати бўлса, қарилик басдур дард.

Ҳазрат Навоийнинг уқтиришича, кекса ёшдаги кишиларнинг кўнгли ғоят нозик бўлгани каби хотираси ҳам нозиклашиб, сусайиб боради. Демак, бу ёшдаги инсонларнинг кўнгли қуриган шох мисол тез синиши мумкин. Уларнинг ҳолатини болалар устига чикиб ёки осилиб ўйнаганда қуриган дарахт шохлари қандай тез ва осон синса, ўшандай ҳолат деб тушунмоқ ва шунга муносиб муомала қилмоқ керак:

Қарилар хотири нозукдир, эй тифл,  
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густох.  
Унутдингмики, афтол ўйнаганда,  
Сенар оз майл кўргандин қуруқ шох.

Бу фикрларини баён этар экан, Алишер Навоий болаларни ёлмигиданоқ қарияларга нисбатан андишасизлик билан муомалада бўлмасликка, уларнинг дилини вайрон қилмасликка ундовчи тарбия бериб боришга ундайди. Агар тўғри тарбия слиб борилса, бола албатта, комил инсон бўлиб етишига умид билдиради.

Бола тарбиясига бефарқ бўлмаган Алишер Навоий ҳазратлари ҳар бир киши ўз фарзанди камолини, у чинакам инсон бўлиб етишини истаса, унга албатта имкон қадар илм олишга шароитлар яратиб бериши муҳим аҳамиятга эга эканлигидан огоҳлантиради. Айни пайтда, бола онгига илмни болалиқдан бошлаб ўзлаштирмак, сўнгра умр бўйи ана шу илмидан фойдаланиш тушунчасини сингдириб бориш лозимлигини уқтиради. Нуктадон шоир таъкидлайдики, бола илмга ихлос қўйса, илм ва билим олишга ўзида рағбат сезаётган бўлса, унга олинган илм мағзини чаққандан сўнггина, тўпланган илмни тўғри сарфлай билиш йўлларини ҳам ўргата бориш кони фойда бўлишини алоҳида урғу билан ўз асарларида ифодалайди. Чунки фарзанд тарбиясида, уни илмли ва билимли қилиб тарбиялашда боланинг қобилияти етадиган, қизиқиши бор, элга ва ўзига нафи тегадиган илмларни ўргатиш зарур. Агар бола

дунёкараши, тафаккури зўрма-зўраки илм ўрганишга мажбур этилса, у вақтини беҳуда сарфлайди, тавсия этилаётган билимларни эгаллай олмайди.

Алишер Навоий бола тарбиясида муомала маданиятини тўғри шакллантириш, тилга эътиборли бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган жиҳатлардан эканлигига алоҳида эътибор кўзи билан қарайди. Чунки бола тўғри сўзлаш, сўзларни билиб ишлатиш кўникмасига эга бўлмаса, у ҳеч бир монеликсиз кишилар кўнглини оғритиб кўйиши, бировларни сўз воситасида камситиши, дилини вайрон қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Навоий: “Ёмон тиллик андоқким, эл кўнгилга жароҳат еткурур, ўз бошига офат еткурур”, дея огоҳлантиради ва “қалб амрозининг маддаси”, яъни “юррак иллатининг маддаси кўп гапириш” эканлигини эслатиб, сўзлашиш одобига риоя қилмоққа чорлайди.

Ҳақиқатан ҳам сўзда сеҳр бор. Бежизга доно халқимиз: “Сув мазаси муз билан, ош мазаси туз билан”, демайди. Тилга эътиборли бўлишнинг бу жиҳати ҳам Алишер Навоий ҳазратлари эътиборидан четда қолмаган: “Тилингни ихтиёрингда сақлагил, сўзингни эҳтиёт била дегил”, дейди у. Шу тариқа Навоий чиройли сўз мухтасарлигини, рост сўз эса мўътабарлигини, ёмон ёки ноўрин ишлатилган сўз нафақат ахлоқсизлик, балки ўз бошига маломат келтиришига сабабчи бўлишини эътироф этади:

Элга шараф бўлмади жаҳу насаб,  
Лек шараф келди ҳаёву адаб.  
Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин,  
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин.

Навоий ҳазратлари бола тарбиясида фарзандларга илм олиш учун имконият ва шароит яратиб бериш билангина иш битмаслигини ҳам алоҳида урғу билан таъкидлайди. Яъни, болани илм олишга рағбатлантириш билан бир қаторда, унинг онгига “киши олим бўлса-ю, одам бўлмаса кийин”, деган азалий тушунчани ҳам сингдириб бориш зарурлигини уқтиради:

Олим агар жоҳ учун ўлса залил,  
Илми анинг жаҳлига бўлғай далил.

Яъни, олим киши агар давлату мартаба учун ўзини хор қилса, бу унинг шунча илм билан жоҳиллигича қолишини билдиради, дейди

Навойй. Биз ҳам ёшларга улуғ бобокалонимиздан ибрат олиб, илмли бўлиш борасидаги баъзи бир фикрларимизни билдириб ўтмоқчимиз:

1. Билим олиш учун аввало ўзингизда иштиёқ бўлиши муҳим. Бунинг учун бугунги кунда Ўзбекистонимизда илм истовчи ёшлар учун имкониятлар эшиги кенг очилган. Бундай шароит ва имкониятлардан фойдаланиш керак.

2. Сизнинг қай даражада илм соҳиби бўлишингиз устозларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун уларни эъзозлашдан ташқари, тўлаған билим ва тажрибаларидан кўпроқ баҳраманд бўлишга интилинг. Зеро, Алишер Навоий бобомиз ҳам бежиз:

Илм эрур ул ким, ўзи ани қилур,

Ҳикмат ул ким, ҳам ўзи ани билур...

демаганлар. Чунки устозлар талабаларга ўргагаётган хунарини, бераётган илмини, аввало ўзлари мукамал билмоғи шартлигини таъкидлаганлар. Ибн Сино таъбири билан айтганда, “Чала билгандан кўра, билмаган афзал”. Зеро, олим адашса, олам адашади.

3. Сизнинг тўғри тарбия топиб, яхши илм олишингизда ва касб-хунар эгаси бўлишингизда аввало, ота-онангиз, сўнгра ўзингиз масъулсиз. Ота-онанинг масъуллиги – сиз истаган илмни ёки хунарни эгаллашингиз учун шароит яратмоқ, сиз эса ана шу шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда илмингизни ошира боришда масъулдирсиз. Унутманг, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам “Ота-она ўз фарзандига яхши тарбия бериш ва адаб ўргатишдан ортик ҳадя қила олмайди”, деганлар. Алишер Навоий бобомиз мутафаккир шоир сифатида фарзанд тарбияси, инсонни камолотга элтувчи йўллар ҳақида сўзларкан, Пайғамбаримизнинг ана шу умрбоқий ҳадисини асос қилиб олганлар.

Дунёда касб-кор, хунар кўп. Дастурхондаги нон ейилгунча оқтимиш кўлдан ўтармиш. Шу боис, бир йигитга қирқ хунар оз дейишади. Қизиқиш ва ҳою ҳавас билан мурод ҳосил бўлмас. Билму салоҳияти етадиган, эл-юртга асқотадиган соҳанинг этагини туташ хайрлидир.

## НАВОЙЙ АДАБ ҲАҚИДА

Ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижоди давомида инсон кўнглини тадқиқ этиш билан боғлиқ мавзуларда қалам тебратиш баробарида, одоб-ахлоқ, чин инсоний фазилятлар, садоқат ва дўстлик, илмлилик, руҳан ва жисмонан соғломлик тўғрисида кўплаб ўлмас асарлар

яратиб, ҳикматона фикрлар билдириб кетганлар. Хусусан, Алишер Навоийнинг адабга оид фикрлари хали-ҳануз ўз кучини йўқотган эмас. Инсонни одобли ва адабли бўлишга ундовчи бу каби дурдоналардан олинадиган хулоса шуки, одобсизлик инсон комиллигига соя солувчи иллатдир. Одобсиз кишилар ҳеч қачон эътибор қозонмайдилар, эътибор қозонганларида ҳам фақатгина салбий жиҳатдан, яъни одобсиз, ахлоқсиз, адабдан йироқ кимсалар сифатида одамлар эътиборига тушадилар. Навоий адабсизликнинг энг ёрқин ва беўхшов кўриниши сифатида ноўрин ва ножоиз кулгуни мисол келтиради. Биз ҳам ҳазрат Навоийнинг ана шу фикридан келиб чиқиб, рисоламизнинг ушбу фаслида баён этишга киришаётган мулоҳазаларимизни мутафаккир бобокалонимизнинг ноўрин кулгу билан боғлиқ фикрлари билан бошлаймиз. Сўнгра, Навоий тафаккури зиёси ҳамон нур таратиб турган айрим ҳикматларни ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Алишер Навоий адабсизликни намоён этувчи ноўрин ва ёқимсиз кулгу таърифида шундай ёзадилар:

Тарки адабдин бири кулгу дурур,  
Кулгу адаб таркига белгу дурур.

Кўриб турганингиздек, Алишер Навоий ўринсиз ва беўхшов кулгуни адабсизлик белгиси сифатида эътироф этмоқдалар. Навоийнинг фикрича, ноўрин кулгу худди “какликнинг бемаврид қаҳ-қаҳа”сига ўхшайди. Чунки каклик бемаврид кулгани, яъни сайрагани учун ўз бошига бало орттиради. Овчилар унинг “қаҳ-қаҳа”сидан бекинган жойини билиб оладилар ва тузоққа туширадилар. Навоий ножоиз кулгу билан боғлиқ мулоҳазаларини чин шоирларга хос маҳорат билан турли ташбеҳлар воситасида жуда чиройли ва турфа рангли тарзда ифода этадилар. Масалан, чакмоқ ўз кулгусини тоғнинг ичига кулатади, ҳатто ерга пастлатиб, тупроққа киритиб юборади, дейди Навоий бобомиз.

Кулгуки, ўз ҳаддан ўлди йироқ,  
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

Демак, Навоий бобомизнинг фикрича, ҳар қандай кулгу ўз меъёридан ошса, бундан йиғлаган минг бор афзалдир. Бекорчи сўзларни айтиб, тагин ўз сўзига ўзи кулиб, ўзи маст бўлиб кулувчилар ҳам Навоий наздида адабсиз кимсалардир. Чунки уларнинг шу қилиғининг ўзиёқ адабсизликнинг белгисидир.

Умрин аблах кечкуруб, ғафлат ила  
Нукта ўрниғаки, тортар харрос.  
Бир эшакдир ки, тағофил юзидин  
Қилгай изҳор пойноб аррос.

Демак, Навоийнинг фикрича, беҳуда ва бекорчи сўзларни айтиб, изидан беўхшов “қаҳ-қаҳа” отувчиларнинг, аслида, кетма-кет хангровчи эшакдан фарқи йўқ. Инсон, инсонлигича қолиши керак ва ҳар қандай вазият ҳамда шароитда ҳам адаб қоидаларини бузмасликка интилмоғи лозим. Алишер Навоий одоб ва адаб, ахлоқ тўғрисида сўз юритганда, ҳадислардан ҳам унумли фойдаланган. Ҳадислар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, назмий сатрлар ҳам битган. Масалан:

Асру кўп кулмаким, ўлар эрмиш,  
Зиндадил кўнгли кулгу ҳасратидин.  
Муни ҳар кимки билди кўнгли била,  
Кулмагай ўлса кўнгли ҳасратидин.

Навоий бу ҳадис руҳидаги шеърини Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг “Кўп кулувчи бўлма, чунки кўп кулиш дилни ўлдиради”, деган ҳадиси мубораклари таъсирида ёзган. Ҳақиқатан кулгунинг турлари бисёр. Лекин қачон, қаерда ва қандай кулиш, аслида, маданият белгиси. Шунинг учун ҳам Навоий ҳуда-беҳудага кулавериш маданиятсизлик аломати эканлигига нозик ишоралар қилмоқда.

Алишер Навоийни дунё аҳли темурийлар салтанати маънавият мактабининг буюк мураббийси сифатида эътироф этади. Бу мактабнинг бош хусусияти пок ахлоқ масаласи бўлганлиги туфайли ҳам Навоий ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлганлар. Чунки Алишер Навоий нафақат ўз даври, балки кейинги авлодлар, шунингдек бугунги кун авлодлари учун ҳам ўзаро мулоқот, сўзлашиш одоби, адаб масалаларида ўзига хос мактаб яратган асл шоир, чинакам мураббий ва устоздир. Шоир ширин сўз, юксак одоб ва ахлоқ, самимиятга йўғрилган адаб – инсон феъл-атворини, кифасини, ички дунёсини безаб турувчи гавҳардир, дея таърифлайди. Комил инсон тарбиясида сўз ниҳоятда муҳим маданиятга эга эканлигини самимият билан эътироф этади. Шунинг учун ҳам у, сўз ва сўз қудрати борасида шундай ёзади:

Маъдани инсон гавҳари сўз дурур,  
Гулшани одам самари сўз дурур.  
Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўликтин ҳаёт.

Нафсига берилган кишидан хунар келмас емакдан ўзга,  
Шахспараст кишидан фойда етмас, демакдан ўзга.

Бири харом овқатдан эром олар,

Бири ўз мақтови сўзидан роҳатланар.

Ҳа, сўз замирида жонбахш, ҳаётбахш қувват бўлгани каби, инсон руҳини сиқдириб, жисмини маҳв этишга қодир улуғ бир хислат ҳамда хусусият бор. Алишер Навоий табобат ва тарбияда, комил инсонни тарбиялашда, юксақ одоб-ахлоқ мезонларини белгилашда сўз кудратидан унумли ва ўринли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўз давридаёқ айтиб, аини пайтда ўзи ҳам шунга амал қилиб яшаб, ижод қилиб хетган буюк шоир, улуғ аллома, тенгсиз мутафаккирдир. Шоирнинг “Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами”, деган мисралари бугун ҳам авж пардаларда баралла янграб турибди. Зеро, улуғ мутафаккир, даҳо шоир, етук арбоб сифатида Алишер Навоий бутун умри ва ижодий фаолияти давомида халқ ғамига шерик бўлди, авлодлар соғлиги, уларнинг баркамол бўлиб веяга етишлари тўғрисида қайғурди. Хукмингизга ҳавола этилган ушбу рисола орқали биз улуғ бобокалонимизнинг табобат, тарбия, одоб – ахлоқ борасида олиб борган ишлари ва бу мавзуларга оид фикрларидан намуналар келтирдик. Бизнинг бу саъй-ҳаракатимиз Алишер Навоийнинг уммон қадар чексиз ижодидан олинган бир зарра мисолдир. Лекин оддийгина бир томчи ҳам бир гийёҳнинг юз очишида мадад бўлғуси. Ниятимиз – биз келтирган мисоллар умр ниҳолингизни янада яшнатишда бир томчи оби-ҳаёт каби малҳам бўлсин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш. Шарипов. “Лисон ут-тайр ҳақиқати”. Тошкент, 1998 йил
2. Ғайбулла ас-Салом. “Ваҳийдан келур бир садо”.
3. И. Султон. “Навоийнинг қалб дафтари”. Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 1969 йил.
4. А. Навоий. Ғазаллар ва шарҳлар. Тошкент, “Камалак” нашриёти, 1991 йил.
5. ”Ҳикматлар гулдастаси”. Тошкент, 1982 йил.
6. Навоий асарлари учун қисқача луғат. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1993 йил.
7. А. Навоий. “Ҳайрат ул-аброр”.
8. Н. Ғойибов. “Навоий даври маънавияти”. Тошкент, Ғ. Ғулом нашриёти, 2001
9. М. Ҳасаний, С.Каримова. “Навоий даври табобати”. Тошкент, Ибн Сино нашриёти, 1991 йил.
10. Ойбек. “Навоий” романи. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2016 йил.
11. “Ҳикматлар” тўплами. Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 2016 йил.
12. Ж.Мадиев. “Умрингизга зомин бўлмаг”. Тошкент, “Тафаккур” нашриёти, 2014 йил.

## МУҲДАРИЖА

Муқаддима.....	3
Навоний даврида габобатга муносабат.....	5
“Сувлиғидин ўтлиғи афсун эрур...”.....	14
Навоний фарзанд тарбияси ва комиллик ҳақида.....	26
Навоний адаб ҳақида.....	34
Фойдаланилган адабиётлар.....	38



ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР

Жуманазар Мадиев, Исмоил Ҳақимов

ТАБОБАТ ВА МАЪНАВИЯТ

НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА

(Илмий-оммабоп рисола)

Мухаррир:

Техник муҳаррир:

Мусахҳих:

Исроил Шомиров

Абдиназар Бўриев

Турдимурод Мустафоев

Босишга 01.06.2018 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет қоғози. Times New Roman гарнитураси. Офсет усулда  
чоп этилди. 2,5 босма табок. 200 нусхада. 40 бет. Эркин нархда.

“Тафаккур” нашриёти, Тошкент шаҳри,

Навоий кўчаси, 30-уй.

“Ҳамидий” фирмаси босмахонасида чоп этилди.

Термиз шаҳри, И.Каримов кўчаси, 155-уй.




**Жуманазар Мадиев — 1960 йилда туғилган. Ҳозирги кунда Қизириқ тумани “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия таянч маскани директори ва-зифасида фаолият кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлаш аълоҳиси. “Соғлом турмуш сабоқлари”, “Силнинг сир ва синоатлари”, “Дард борки — дармон бор”, “Ёруғ йўл сари”, “Сурхондарё стоматологияси”, “Тиб яловбардори”, “Миллат ва саломатлик раҳнамоси” номли китоблари чоп этилган.**

**Исмоил Ҳакимов—1975 йилда Сароисё туманининг Зевар қишлоғида туғилган. Қизириқ туманидаги “Хўжаипок” қишлоқ врачлик пунктида фаолият кўрсатмоқда. Мақолалари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган.**



ISBN978-9943-24-160-2



9 789943 241602